

# ИНСОНИЙЛИК ЗИЙНАТИ

**Мусулмон халқларига Пайғамбаримиздан суннат бўлиб қолган хайит байрамларини энг улуғ, мўътабар кунлар сифатида нишонлаймиз. Хайитлар эрталаб Бомдод номозидан сўнг бошланади. Қурбон хайити куни эрталабки нонушта қилинмайди. Ҳамма муқаддас қадамжоларга янги либосларини кийиб, дилга эзгу ниятларини жо қилган ҳолда покиза бўлиб борилади.**

**Бу йилги Қурбон хайитини ҳам фидокор халқимиз Тангрига минг бор шукроналар айтган ҳолда нишонладилар. Боиси 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида динимиздан, тилимиздан, эътиқодимиздан узоқлаштирдилар. Не бахтки, истиқлол туфайли ўзлигимизни танидик, улуғ кунларни кўриш насиб айлади. Қутлуғ кун тонг отмасданоқ хайит номозига ошиқаётган мўмин-мусулмонларнинг сон-саноғи йўқ эди. Барчалари муборак юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳамиша барқарор бўлсин, орамиздан меҳру оқибат кўтарилмасин, Парвардигор Ўзбекистонимиздан қут-баракани аритмасин, ёмонларнинг юзини тескари қилсин, дея дуога қўл очдилар.**

**Мухбиримиз унутилмас кунда Тошкент вилоятининг Зангиота масжидида бўлиб, айрим юртдошларимиз билан мулоқотда бўлди.**

**Маъруфхўжа ҲАМИДОВ, Зангита масжиди ноиби имоми.**

Қурбон ҳайити мусулмонларнинг улуғ байрами. Шодиёна куни фарзандлар аввало ота-оналарини, кўнгли яримларни зиёрат қилиб дуоларини олишди. Майда-чуйда гаплар ўртадан кўтарилди. Юзкўрмас бўлиб юрганлар бир-бирлари билан қучоқ очиб кўришишди. Табаррук масжидимизга ҳайит номозини ўқиш учун қўшни қишлоқлардан ҳамда бошқа вилоятлардан мусулмон биродарларимиз ташриф буюришди. Яратганга шукурлар бўлсинки, ота-боболаримиз орзу қилган кунларни кўриш насиб этди. Дини исломга кенг йўл берилди. Зеро, дин инсониятга фақат эзгуликдан, одамийликдан сабоқ беради. Ҳамиша пок бўлишга, пок яшашга, яхшилик уруғини сочишга, мурувватли бўлишга чорлайди. Муқаддас зиёратгоҳга келувчилар буни қалбдан ҳис этаётганликлари ёрқин сезилиб турарди. Улар шарқнинг буюк донишманди Зангиота ва Анбар она мақбараларини зиёрат қилдилар. Буларнинг ҳаммаси одамлар қалбида эзгу ҳислар уйғотди, меҳру оқибатни кучайтирди. Хурсандчилик кунларида ҳамиша ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб дийдор кўришиш насиб айласин!

**Юсуфжон хожи ОЛИМХОНТЎРА ўғли, меҳмон.**

Қурбон ҳайити кунлари барча мўмин-мусулмонлар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб хабар олишди. Етим-есирлар, боқувчисиз кишилар кўнгли овланди. Қурби етганлар қурбонлик қилдилар. У асосан бева-бечораларга улашилди. Ҳар бир хонадонга меҳр-мурувват уруғи сочилди. Мархумлар эсланиб, руҳи покларига қуръонлар ўқилди. Халқимиз минг бор шукурона айтаётганининг яна бир боиси — бир вақтлар қийин дамларни бошдан кечирдик. Баъзилар ўз жигарларининг жанозаларида қатнашишдан чўчишарди... Истиқлол туфайли бағримизга шамол тегди. Ўзбекистонни дунё тан олди. Бойликларимиз ўзимизга буюрадиган бўлди. Ноз-неъмат бунёдкорлари меҳнатларининг роҳатини кўришаяпти. Тўғри, нарх-навонинг кўтарилиб кетганлиги мушкулотларни кўпайтирди. Бироқ сабр-қаноат билан, ҳамжиҳатлик билан яшасак, иншооллоҳ ёруғ кунларга албатта етажакмиз. Шу муборак кунларда халқим, дея жонбозлик кўрсатаётган юртбошимиз, барча раҳбарларимиз ҳақига дуо қиламиз. Бахтимизга мустақиллик қуёши бошимиз узра порлайверсин. Танлаб олинган улуғ йўлга содиқ қолайлик.

**Самиғ ОРТИҚОВ, меҳнат фахрийси.**

— Ёшим 80 дан ошди. Бу бош нималарни кўрмади. Кўп жойларда бўлдим. Бироқ Ўзбекистондек жаннатмакон ўлкани учратганим йўқ. Она-Ватанимиз тупроғини кўзимизга суртайлик. Одамларининг баҳоси йўқ: камтар,камсуқум, меҳмондўст, меҳнатсевар. Яна бир нарса мени жуда қувонтираяпти. Мактабларимизга «Одобнома» дарслари кириб келди. Ёшларимиз ҳаётида қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Дилларига эзгу ниятларни жо қилиб, ҳайит номозига келганлар орасида ёшлар оз эмасди. Демак, улар қалбида меҳру оқибат, эзгулик чуқур илдиз отаяпти. Бахтимизга асло уруш бўлмасин. Мамлакатимиздаги турли миллат кишилари қўлни-қўлга берсинлар. Тинчлик-хотиржамлик бўлса, албатта ниятимизга етамиз.

Нуроний айтганларидек, Ўзбекистонимиз гуллаб яшнайверсин. Улуғ кунлардаги дуолар мустажаб бўлғусидир. Она заминимизда Зангиота сингари нафаси ўткир зотлар кўп ўтган. Айём куни Исмоил ота, Исҳоқ ота, Алмамин бобо, Шайх Али, Камол Шайх, Ходим Шайх, Жамол Шоший, Ҳасан ибн Жамол, Шайх Жамол. Бухорий. Шайх Сулаймон Ғазнавийлар руҳи ҳам шод бўлди.

Зангиота масжиди (филология фанлари доктори Ориф Усмонов маълумотига кўра) нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон халқлари орасида маълум ва манзур бўлган. У турк ислом оламидаги улуғ мутасаввуф донишмандлардан бўлган Занги ота Ҳимматий шарафига барпо қилинган. У зот Аҳмад Яссавийнинг содиқ ҳалифаси ва иқтидорли шогирди Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) ҳузурида таълим олди. «Яссавия» тариқатининг йўл-йўриқларини, одобларини ўрганди, илми-зоҳир ва илми-ботиндан воқиф бўлди. Бу масжидни ана шу улуғ зот шарафига Амир Темур қурдирган. 1420 йилда Мирзо Улуғбек унинг устига ҳозирги пештоқни бино қилдирган эди. Унинг амри билан шу пештоқ тошга ушбу ҳадиси Қудсий ёзиб қўйилган: «Менинг заминимдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим эса уни обод қилувчилардир. Ҳар ким ўз уйида таҳорат қилиб, менинг уйимда зиёрат қилса, иззат-ҳурматимга сазовордир».

**Д. МУРОДОВ.**

**Шукрона байрами куни Тошкент вилоятидаги Зангиота жомъи масжидида номозга йиғилганлар ҳур Ватанимизга тинчлик-хотиржамлик, ободлик, эл дастурхонига тўкинлик, инсонлар дилига иймон тиладилар.**





**СУРАТЛАРДА: 1. Масжид бош хатиби Рустамжон хожи Раҳматулла ўғли (ўртада) мусулмонларга бу унутилмас кунларга Аллоҳ Таоло иноятни, Мустақиллик шарофати туфайли эришганимиз хусусида сўзламоқда. 2. Қурбон ҳайити намозидан лавҳалар.**

Нўъмон МУҲАММАДЖОН ўғли тасвирга туширган.

# ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Наманганликлар учун май ойи ҳам ташвишли, ҳам қувончли келди. Ташвишлиси шундаки, табиат деҳқонни қайта-қайта синовдан ўтказиб, экин-тикин ишларини анча орқага сураётган бўлса, бир ёқда маънавият байрами— машрабхонлик кунлари эл-улусни давраларга чорлади.

Тантана Заҳириддин Бобур номли шаҳар истироҳат боғида бошланди. Машраб ҳайкали пойига гуллар қўйилди. 33-анъанавий гул байрами ҳам ўз замонасида «Мени йўқлар кишим борму?», деб фиғон чеккан буюк шоирга бағишлаб ўтказилди. Шаҳарнинг Бобур ва Совет тумани ҳудудидаги «Дўстлик» боғи гўзаллик шайдолари билан гавжум бўлди. Тантаналарга 344 та ташкилот, корхона, муассаса ва ўқув даргоҳларидан вакиллар қатнашдилар. Шунингдек қўшни вилоят ва республикалардан меҳмонлар, таниқли санъаткорлар, аскиячилар, қизиқчилар ва ўнлаб ҳаваскорлик дасталари аъзолари ташриф буюрдилар.

...Тонготарданоқ шоир номи билан аталувчи шаҳар маданият ва истироҳат боғига одамлар оқиб кела бошлади. Шу куни катта-катта дошқозонларда ош дамланиб, элга улашилди.

— Ҳеч бир тадбир бизнинг жамоа иштирокисиз ўтмайди,— дейди Косонсой тумани умумий овқатланиш корхонаси директори Аҳмаджон Халилов. — Бугун ҳам белни қамишдан боғлаб, элга хизмат кўрсатаяпмиз.

Дарвоқе, муҳим тадбирга вилоят матлуботчилари, новвойлар, савдо ходимлари ва бошқа касб эгалари қизғин тайёргарлик кўрдилар. Жумладан, косонсойликлар кўчма ошхона ташкил қилишди. Ёқубжон Шарофатхўжаев, Одилжон Абдураҳмонов сингари уста ошпазлар, Мамадали Абдусатторов, Солижон Саидов, Тоҳиржон Шоҳобов ва бошқа хизматчилар йиғилганларнинг дуосини олишди.

Одамлар оқимига қўшилиб, тантана майдонини айланамиз. Ҳар қадамда кўчма дўконлар, новвойхоналар, мева-сабзавот ярмаркалари. Учқўрғонлик Шерали Темиров ва Жаҳонгир Асадовлар тандир тафтида терлаб-пишиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

— Халқ сайилида 11 тонна гўшт, 100 минг дона тухум, 100 тонна картошка, шунингдек, сабзи, қулупнай пиёз, гилос ва бошқа ўттиз хилдан зиёд янги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси ташкил этилди, — дейди вилоят мева-узум, сабзавот ишлаб чиқариш саноат бирлашмаси раиси Сирожиддин Маъруфов.—Ҳа, Косонсой, Чортоқ, Наманган, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон туманларидаги сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ноз-неъмат бунёдкорлари машрабхонлик тўйига ташриф буюрганларни она ер саховати билан сийладилар.

Яна бир кўнгилни хушнуд этувчи нарсани айтиш жоиз, мазкур боғда шоир Машраб пойи қадами етган қутлуғ қадамжолар номида рамзий хиёбонлар, чойхоналар бунёд этиш анъана тусини олган. Ҳозирча уларнинг еттитаси мавжуд.

Шоир тўйи узоқ-яқин меҳмонлар ташрифидан янада файзли бўлди. Тошкентдан таниқли ёзувчи ва шоирлардан Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфи ва бошқа адабиётимиз намояндалари, Америка ва Хитойдан ҳам Машраб мухлислари тантаналарда иштирок этишиб, ўзларининг беназир дил сўзларини изҳор этдилар.

Унутилмас кунларда вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиевнинг ташаббуси билан тўйга-тўй уланиб кетди. Кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар фарзандининг ҳатна тўйи ўтказилди. 15 нафар йигит ва қизнинг никоҳ тўйи наинки бир умр эсда қоларли қилиб нишонланди.

**А. ҚОРАБОЕВ.**

# ҲОРДИҚ МАСКАНИ

**Янгиқўрғон туманининг сўлим Мамай қишлоғида «Камалак» дам олиш маскани тўқимачиларга бағрини очди. Бу ерда истиқомат корпуслари, жисмоний тарбия ва физиотерапия бўлимлари, чойхона, клуб, кинотеатр, спорт майдончалари, бассейн, қозонхона, ошхоналар ва 15 гектарлик боғ дам олувчилар хизматига тахт қилинган.**

**Куни кеча дам олиш масканининг очилиш маросими бўлди. Қурувчи Зокиржон Исаев маскан бошлиғи Жамолиддин Маллахўжаевга рамзий калитни топширар экан, дам олувчиларга сиҳат-саломатлик тилади.**

Т. СУЛАЙМОНОВ.

# БИР ЖОЙДА ЁЗ, БОШҚА ЕРДА ҚИШ

Серқуёш юртимизга жазирама ёз фасли ташриф буюрди. Бу фасл дастурхонимизни янада тўкин қилади. Кун сари ҳарорат кўтарилиб, ширин-шакар мевалар бирин-кетин пишиб етилмоқда. Дунёнинг бошқа жойларида ҳам шундайми?

Европа Евроосиёнинг Атлантика океани қуршаб турган ғарбий чеккасида жойлашланлиги, ҳаво оқимларининг ғарбдан ва шарқдан келиб туриши, қирғоқ чизиғи эгри-бугри бўлганлиги учун ҳам бу ерда океанникига ўхшаш мўътадил иқлим ҳосил бўлади. Шу боисдан Европанинг жанубида субтропик иқлим, шимолида эса субарктика ва Арктика иқлими ҳукмронлик қилади. Натижада июнь ойида ҳаво оқими Европа қитъаси узра асосан ғарбдан келиб туради.

Шимолий Америка қитъасида эса қор қоплами эриб тугай деб қолади. Қор қатлами Ямал, Таймир, Чукотка ярим ороллари, Шимолий Американинг Гудзон қўлтиғи шимолида сақланиб қолади. Охота ва Беринг денгизларида музлар камаяди. Баренц денгизида эса музлар бутунлай эриб кетади. Шимолий Муз океани соҳилларида қояларда «қушлар бозори авжига чиқади. Бу ерда минут сайин минг-минглаб қушлар инларидан учиб чиқиб, ўзларини сувга ташлашади ва ўлжасини олиб чиқиб, яна уяларига қайтишади. «Қушлар бозори»нинг шовқинидан ёнма-ён турган кишилар бир-бирларининг овозини эшита олишмайди. Бу ойда тундрада қорлар эриб, кўкатлар униб чиқади, ой охирида ўсимликлар оч яшил, оқ пушти, сариқ ва зангори рангларда гуллайди. Чивинлар гала-гала бўлиб учиб юришади, ҳар хил ҳашаротлар кўзни очирмайди. Тундра сув ҳавзаларига ғозлар, оққушлар ва ўрдаклар учиб келишади. Тайгада дастлабки қўзиқоринлар пайдо бўлади. Лось ва буғу каби ҳайвонлар болалайди.

Марокаш, Жазоир, Мисрда, Испания, Италия, Греция, Туркия, Арабистон, Эрон, Марказий Осиёда об-ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетади, ёғингарчилик кам бўлади. Хитойнинг жануби-шарқий қисми, Ҳинди-Хитой, Ҳиндистон, Бангладешда эса бунинг аксинча, шаррос ёмғирлар ёға бошлайди. Шимолий-шарқий ва Марказий Осиё устида об-ҳаво аста-секин исиб бориши натижасида ёз фаслида юқори босим йўқолади. Аксинча Тинч океани устида антициклон кенгайиб, қуруқликка яқинлашиб келади.

Африка қитъасининг кўп қисмида ҳарорат юқори бўлади. Бу қитъа ёзда куррамизнинг энг иссиқ жойи ҳисобланади. Материкнинг жанубий қисми совиб, шимолий қисминиҳоятда исиб кетади.

Австралия қитъаси шимолда субэкваториал, жанубда эса субтропик кенгликлар орасида жойлашган бўлиб, фақат Тасмания оролигина ўртача минтақададир. Бундай географик кенгликда иқлимга таъсир этувчи асосий омиллардан бири қуёш радиациясининг юксаклигидир.

Куррамизнинг жанубий ярим шарида июнь қиш фаслининг биринчи ойи ҳисобланади. Жанубий Американинг Патогония бутунлай қор билан қопланади.

**Т. МАҲМУДОВ, табиатшунос.**

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «Ҳожатбарор» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

## ИХЧАМ ТРАКТОР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, фермерлар! Сизларнинг энг яқин мададкорингиз ва кўмакчингиз ҳисобланган «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида янада серунум, такомиллашган техника воситаларини тайёрлаш йўлга қўйилаётганлигидан хабарингиз борми? **Бирлашманинг изланувчан мутахассислари, серғайрат ишчилари ТТЗ-30 кўптармоқли тракторини ва ПТС-СХI-2 ярим прицепини ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, улардан кўплаб тайёрлай бошладилар.**

Янги техника воситалари ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра Сизларга яхши таниш бўлган Т-25, Т-40 ва Т28Х4МАСI тракторлари билан рақобат қила олади.

**«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1993 йилда шундай техника воситаларидан 500 дона тайёрлашни режалаштириб, ишни янада қизитмоқда. 1994 йилдан бошлаб эса бу кўрсаткични 2-3 минг донага етказиш истиқболи белгиланган.**

ТТЗ-30 трактори ва ПТС-СХI-2 ярим прицепдан жамоа ва давлат хўжаликларида, ширкатлар, ижарачилар, фермерлар томонидан деҳқончиликнинг барча тармоқларида, чорвачиликда, шунингдек юк ташиш ишларида кенг кўламда фойдаланиш мумкин.

Янги техника воситалари ўзининг кўпгина жиҳатлари билан Сиз, азиз қишлоқ меҳнаткашларига манзур бўлади деб ўйлаймиз. **Хусусан, шу техника воситалари ўзининг ихчамлиги билан ажралиб туради. Бу эса томорқаларда, дарахт ва токзорлар оралиғига ишлов беришда қулайлик туғдиради.** Уларнинг тезлигини соатига 1,08 километрдан 21,11 километргача алмаштириш мумкинлиги юмушларни сифатли адо этишда айниқса қўл келади. Трактор дизели ҳаво билан совутилиши, прицепнинг секинлатиш ва тўхтатиш тизими пневматик воситалар билан таъминланганлиги ҳам фойдаланувчиларга катта қулайлик яратади.

Трактор буюртмачиларнинг хоҳишига мувофиқ зичлаб ёпиладиган кабина, хавфсизлик воситалари ёки брезент ёпгич билан бутлаб берилади.



**Бундан ташқари буюртмага мувофиқ хўжалик ёки фермер тракторнинг орқа ғилдиракларига зарур бўладиган турли шиналар билан ҳам таъминланади.**

**Асосий техникавий кўрсаткичлари:**

**Двигатель — икки цилиндрли,дизель Д-120.**

**Фойдаланиш қуввати, квт (от кучи) — 22+³ (30+⁴).**

**Тезликларни алмаштириш имконияти, соатига километр ҳисобида:**

**— олдига (8 тезлик) — 1,08-21,1**

**— орқага (3 тезлик) — 4,9-14,1.**

**Ғилдираклар (мм):**

**— олд ғилдираклар — 1400; 1600; 1800.**

**— орқа ғилдираклар — 1400; 1550; 1650; 1700.**

**ПТС-СХI-2 ЯРИМ ПРИЦЕП** ЎЗИНИНГ КЎПГИНА ЖИҲАТЛАРИ БИЛАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ТУҒДИРАДИ. ХУСУСАН УНГА ОРТИЛГАН ЮКНИ ШАРОИТДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЎНГ ВА ЧАП ТОМОНГА АВТОМАТИК РАВИШДА АҒДАРИШ МУМКИН.

УШБУ ЯРИМ ПРИЦЕПДАН ВТЗ, ЛТЗ, МТЗ, ТТЗ ТРАКТОРЛАРИГА ТИРКАГАН ҲОЛДА БАРЧА ХИЛДАГИ ЙЎЛЛАРДА ВА ДАЛА ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН.

**Қисқача техникавий кўрсаткичлари:**

**Ташиладиган юк ҳажми, килограмм — 2000.**

**Тезлиги, соатига километр ҳисобида — 35.**

**Ғилдираклари, мм — 1800.**

**Шиналари — пневматик 9,00—16.**

**«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрлаш ўзлаштирилган юқоридаги серунум ва такомиллашган техника воситаларини сотиб олиш юзасидан қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этинг:**



700142, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли, 434-уй, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

**ТЕЛЕФОНЛАР: 64-05-61; 64-76-56; 64-24-35.**

## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ 1993

**1 ИЮНДАН БОШЛАБ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРИФИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ**

ЭНДИЛИКДА 1 КВТ- СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН 1 СЎМ ТЎЛАНИШИ ЗАРУР.

**11 ИЮНГА ҚАДАР**

**Май ойида фойдаланилган электр энергиясига эски тариф бўйича, яъни 1 кВт-соат учун 40 тийиндан тўлаш мумкин.**

Электр энергиясига ҳақ тўлашда имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга берилган енгилликлар сақланиб қолади.

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ҲАҚ ҲАР ОЙНИНГ 10-КУНИГА ҚАДАР ТЎЛАБ ҚЎЙИЛИШИ ЗАРУР**

«Ўзэнергоназорат» хизмати.

**ХЎЖАЛИКЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА**

ГАЗЕТАМИЗДА СИЗНИНГ РЕКЛАМА, ҚУТЛОВ, ТАБРИКНОМА, ОЛДИ-СОТДИ ХУСУСИДАГИ ЭЪЛОНЛАРИНГИЗ ТЕЗДА БОСИБ ЧИҚАРИЛАДИ.

**Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 534-хона.**

ХАТ ЁЗИНГ, ТАШРИФ БУЮРИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси янги техника, ихтирочилик ва такомиллаштириш бошқармасининг бошлиғи Абдуғаффор Абдураҳмоновга онаси

**Солиҳа АБДУРАҲМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Ғ. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—276. 31650 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.50.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.